



3

МАҲАЛЛА — КЎЗ,
МАҲАЛЛА — КЎЗГҮ

САДО
БЕРАЁТГАН ОВОЗ



4

5

ЯХШИЛИККА
МУКОФОТ,
ЁМОНЛИККА...



КАШАНДАЛИК
КУШАНДА БЎЛМАСИНИ!



8



Бу дунёда соғликдан улугроқ бойлик йўқдир.

Машраб НУРИНБОЕВ сурат-лавҳаси.



“ОБУНА — 2013”

Индекс — 176

“Оила ва жамият”

газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий азвоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар! Унутманг, сеvimли газетангизга обуна давом этмоқда.



Ҳ И К М А Т

Сиз бугун ота-онангиз билан қандай муомалада бўлсангиз, болаларингиз ҳам сиз билан эртага шундай муомала қилишини унутманг!

ФАЛЕС

БОЛА ҲУҚУҚИДАН БОШЛАНАДИ

Кўпчилигимиз қонунларни биламиз, ҳуқуқий маълумотлардан хабардоримиз, ўзимизни ҳатто ҳуқуқий маданиятлимиз деб ўйлаймиз. Лекин ҳуқуқий онг даражаси фақатгина қонунларни билиш билангина эмас, балки уларга амал қилиш ва бўйсуниб билан ўлчанишини билмаймиз. Биринчи навбатда эртагимиз ворислари ҳисобланган болалар ҳуқуқлари билан боғлиқ қонун-қоидаларга қатъий амал қилиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

...Бир куни жамоат жойида икки-уч нафар ўсмир қизнинг очикчасига сигарет тутатиб, ҳар хил ноҳўя сўзларни ишлатиб, бир-бири билан гаплашиб турганини кўрдим. Уларнинг ота-онаси бор ёки йўқлиги, келгусида ўзлари ҳам она бўлиб, қандай фарзандлар тарбиялашни ўйлаб, даҳшатга тушдим. Очиги, мен бу ҳолатда энг аввало, уларни айблаганга шошилмайман. Нега дейсизми? Чунки бу нарасида қизлар мисоли ниҳол, қаёққа буксангиз шу ёққа қараб ўсиб кетади. Бунда балки биз, сиз, ҳаммамиз жавобгар эканлигимизни ўйласам, боши қотади кишининг. Бу биз — катталарнинг лоқайдлигимиз меваси эмасми? Ваҳоланки, ота-она болани нафақат моддий таъминлаши, балки Оила кодексининг 73-моддасида кўрсатилганидек, ўз фарзандларининг тарбияси ва қаромати учун шахсан жавобгардир. Шундай экан, улар ўз болаларининг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий ка-



молоти ҳақида ҳам ғамхўрлик қилишлари шарт.

Айтиш керакки, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, Оила Кодекси ва бошқа кўплаб ҳуқуқий ҳужжатларда баён этилган. Уларга мувофиқ, ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас. Болалар манфаатларини таъминлаш ота-она ғамхўрлигининг асосини ташкил қилиши лозим.

Ўз ота-оналик ҳуқуқини болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид тарзда амалга ошираётган ота-она қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Болаларнинг таълим-тарбиясига

Қонун ва ижро

тааллуқли барча масалалар улар манфаатидан келиб чиққан ва фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-она томонидан қилинув асосида ҳал қилинади. Агар улар ўртасида қелишмовчиликлар мавжуд бўлса, бу қелишмовчиликларни ҳал қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органига ёки судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суистеъмол қилганда, бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини сўраб, васийлик ва ҳомийлик органига, 14 ёшга тўлгандан кейин эса мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Оила кодексининг 68-моддасида ва "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги БМТ Конвенциясининг 12-моддасига кўра, оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек, суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақлидир.

Муддао ва мақсадимиз битта: у ҳам бўлса ҳар бир инсоннинг ўз фарзанди олдидаги масъулиятини ошириш, уларга инсон ҳуқуқи — бола ҳуқуқидан бошланади, деб яна бир бор эслатишдан иборатдир.

Замира АҲМЕДОВА,
Самарқанд шаҳар 2-сон
ФХДЁ бўлими мудир.

СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ

Бугунги кунда ОИВ/ОИТС касаллиги дунёдаги миллионлаб кишиларнинг ҳаётига хавф солаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, Жаҳон соғлиқ-саноати ташкилотининг 2011 йилдаги маълумотларига кўра, Ер юзидagi 34 миллиондан ортиқ инсон ОИВ инфекциясини юқтирган. Ҳар йили 2 миллиондан зиёд киши ана шу касаллик қурбонига айланмоқда. Айни пайтда ҳамюртларимиз орасида ҳам ушбу касалликни юқтирганлар бўлиб, уларнинг етмиш фоизини эркаклар, ўттиз фоизини эса аёллар ташкил этаётгани ачинарли ҳолатдир. Беморларнинг аксарияти 20—39 ёшдагилардан иборат эканлиги масаланинг янада жиддийлигини кўрсатади.

Республикаимизда ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида турли зарурий чора-тадбирлар кўриломоқда. Яқинда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ОИТС, сил, безгакка қарши кураш бўйича глобал жамғарма билан ҳамкорликда ўтказилган тўрт кунлик семинарда журналистлар бу ҳақда кўплаб маълумотларга эга бўлишди.



— ОИВ вируси уни юқтириб олган одам организмда бутун ҳаёти давомида сақланиб қолади, — дейди республика ОИТС га қарши кураш марказининг профилактика ва эпидемияга қарши ишлар бўлими мудир Зулфия Абдурахимова. — Бу инфекциянинг кечиши бир неча даврдан иборат. Яшир дaври бир неча ойдан 5-10 йил ва ундан ортиқ ҳам бўлиши мумкин. Бунда вирусни юқтириб олган шахс кўринишидан соғлом бўлиб, унда касалликнинг ҳеч қандай белгилари кўрилмайди. Айнан шу босқин анча хавфли бўлиб, ўзлари билмаган ҳолда инфекцияни бошқаларга юқтириши мумкин. Агар тегишли даво чоралари кўрилмаса, ОИВ ривожланади.

Тадбирда мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Нилуфар САПАЕВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.

ЖАМҒАРМА ТАШАББУСИ БИЛАН

"Sen Yolg'iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан "Мустаҳкам ёш оила" мавзуда акция ташкил этилди.


Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди, Республика болалар ижтимоий ошловчи маркази ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этган тадбирда Ўртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда болалар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ

ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар алоҳида эътироф этилди. Акция доирасида ёш оилаларга мутахассислар, ФХДЁ бўлими ходимлари, хотин-қизлар кўмитаси вакиллари кенракли маслаҳатларини беришди. Шунингдек, Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ва айни пайт-

Ақция

да оила қурган ёшларга маиший бўюм ва техникалардан иборат эсдалик совғалари топширилди. Акцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова, "Sen Yolg'iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси директори ўринбосари М. Охунова, "Соғлом авлод учун" жамғармаси бошқаруви раиси С. Иномова қатнашди ва сўзга чиқди.

Ўз муҳбиримиз.



ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

Маълумки, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси БМТнинг UNWOMEN тузилмаси ҳамкорлиги ҳамда "Микрокредит-банк" кўмагида 2010-2011 йиллар давомида "Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг тadbiq этиш" лойиҳасини Қорақалпоғистон Республикасининг Қонлиқўл, Қашқадарё вилоятининг Қарши, Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманларидаги маҳаллаларда амалга оширган эди. Ушбу лойиҳанинг хотин-қизларимиз оилавий иқтисодининг яхшиланиши, уларнинг тадбиркорлик соҳасида саводхонлик даражасини оширишдаги амалий натижаси самарасини инobatга олиб, жорий йилнинг декабрь ойига қадар Жиззах вилоятининг Фориш, Сирдарё вилоятининг Мирзаобод, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманларида ҳам ушбу лойиҳа жорий этилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Лойиҳанинг ижтимоий афзаллиги аёлларга нафақат моддий маблағ тавсия этиш, балки ўз-ўзига ишонч, атрофдагилар билан самарали алоқаларни ўрнатиш, шахсий ҳаётида ўзгаришлар ясаш, ўз қобилиятларини намoён қилиш орқали уларнинг имкониятларини кенгайтириш ва шу орқали моддий фаровонликка эришишга кўмаклашишдан иборат.

Кармана туманидаги "Баркамол авлод" болалар ижодиёти марказида "Ораста қизлар" кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг қуйи босқичларида сараланган юз нафарга яқин ўқувчи-қизлар қатнашди. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган танловда иштирокчилар ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабат, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, қариндошлар ўртасидаги ҳамда эрта никоҳнинг олдини олиш, хонадонлар саришталиги каби шартлар бўйича ўз билим ва кўникмаларини синовдан ўтказди.

Танлов якунларида кўра, Навоий шаҳридаги 11-давлат иқтисослаштирилган умумтаълим мактаби жамоаси голиб деб топилди.

Қизларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, одoб-ахлоқ тамойиллари асосида тарбиялаш, уларга соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга қаратилган танловда туман ва шаҳар жамоалари орасидан саккиз нафар энг яхши иштирокчи сараланиб, вилоят жамоаси тузилди.

— Танловнинг республика босқичига йўлланма кўлга киритилганидан мамнунмиз, — дейди Навбахор туманидаги 16-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Дилафрўз Ҳақимова. — Ҳал қилувчи босқичда вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун бор билим ва иқтидоримизни ишга соламиз.

Жиззах шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати берган маълумотларга кўра, 27 октябрь кунини Жиззах шаҳридаги 1-сон мусика ва санъат мактабида Зулфия номидagi Давлат мукофотига номзод қизлар кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда Жиззах шаҳридаги таълим муассасаларида тахсил олаётган 35 нафардан ортиқ 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган иқтидорли қизлар иштирок этишди.

Ҳакамлар ҳайъатининг якуний ҳулосасига кўра, Жиззах педагогика коллежи ўқувчиси Ирода Жафарова адабиёт, Жиззах давлат педагогика институти талабалари Ирода Матмуродова маданият, Зулхумор Мамарасулзода санъат, Зилола Ҳақимова фан, Жиззах ҳуқуқшунослик коллежи ўқувчиси Лобар Темирова таълим йўналиши бўйича голиб деб топилди.

ОИВ/ОИТС га чалинганларга нисбатан бағрикенглик кўламини ошириш госянини тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан "Парк Турон" меҳмонхонасида анжуман ташкил қилинди. Унда 60 та давлат ва нодавлат, нотижорат ташкилотлар вакиллари, ҳамкорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси тизимида вилоят ҳамда республика ҳисобот-сайлов конференциясига тайёргарлик жараёнлари ушoққoқ билан олиб бoрилмоқда. Ушбу тадбирни оммавий ахборот воситалари орқали кузатиб бoришни янада изчиллаштириш, тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантиришда хотин-қизлар кўмиталари муассислигида чоп этилаётган газета ва журналлар иштирокини ошириш мақсадида "Grand Tashkent" меҳмонхонасида семинар ўтказилди. Мазкур семинарда иштирокчиларга хотин-қизлар кўмитаси тизимининг мақсад ва вазифалари, бугунги кундаги фаолияти, тизимда ўтказилаётган ҳисобот-сайлов конференциялари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Шунингдек, кўмитанинг янги версиядаги веб-сайти тақдимоти ҳам ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Иномова иштирок этди.

— Президентимиз ташаббуси ва тавсиялари билан 2004 йилда маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти кенг йўлга қўйилган эди. Шундан буён саккиз йил ўтди. Бу лавозим оқсоқол, кўчабоши каби узоқ йиллардан буён жорий этилган лавозимлар қаторида эл кўнглига ўрнашиб қолишининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Халқимизда «Тил учига келиб турган гап» ёки «Ўз вақтида бўлган иш» деган иборалар бор. Маҳаллаларда маслаҳатчи лавозимининг таъсис этилиши ҳам зарурат, ҳам элнинг эҳтиёжи эди. Чунки бизнинг аҳолимиз кенгашиб, маслаҳат билан иш қилишга ўрганилган. Ўзбекистонда кўнгли кўтармайди. Давр тўқинларида юзага чиққан муаммоларни кўплашиб ҳал қилиш, бунинг учун одамлар қалбига яна ҳам яқинроқ бориш керак эди. Маслаҳатчи бирор вазифани буюриб, муддат белгилаб, жавобини оладиган раҳбар эмас. У одамлардан кўнгли сўрайдиган, қувонч-ташвишга баробар шерик бўладиган инсон. Ҳаёт-да бу, одамнинг дилида опа-сингилсига ҳам айтишга хижолат бўладиган муаммолари бўлиши мумкин. Маслаҳатчи ана шундай инсонларнинг ҳам ишончига қира олиши зарур. Уларнинг аксарияти ушбу қийин, мураккаб вазифани — кўнглидошликнинг урдасидан чиқётгани учун ҳам эл уларга суянмоқда, ишонмоқда.

— Бу жўяли фикрларингизни «Шофайзи» маҳалласи мисолида давом эттирсак...

— «Қаторда норинг бўлса, юкин ерда қолмайди» деган ажойиб нақл бор. Биз маҳалла юкига кўнглилик бўлиб елка тутамиз. Шайхонтохур тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сурайё Пулатовадан тортиб, маҳалламиз оқсоқоли, ниҳоятда талабчан, тажрибали инсон Бахтиёр Шамсутдиновгача, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Шайхонтохур тумани бўлими бош мутахассиси Гавхар Мирҳайдаровадан бошлаб, «Нуроний» жамғармаси фаоллари, посбонимиз, хуллас, ҳамма-ҳаммамиз Президентимиз, ҳукуватимиз, республика Хотин-қизлар кўми-

таси олдимизга қўйган вазифалар атрофида жипслашиб ишлаяпмиз.

«Шофайзи» маҳалласидаги 1500 та оилада 8054 нафар аҳоли яшайди. Ватан остонадан бошланади, деган гап беҳиз айтилмаган. Шу маънода маҳалламизда ободонлаштириш, озодалик ишларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ўтган баҳорда 320 дан ортиқ мевали ва манзарали кўчатлар,

мад манбаи эмас. У одамни тарбиялайди, ўз устида ишлашга, билим, малакасини тинмай ошириб боришга ҳизмат қилади. Бандлик дастурини ҳаётга кенг жорий этиш бу маҳаллада қандай йўлга қўйилган?

— Маҳалламиздаги 27 та кўчада жойлашган ҳар бир хонадонга фаолларимиз билан бирма-бир кириб чиқамиз. Вақтинча ишламаётган, ишга яроқ-

— Ёшлиқда айтилган гап тошга ўйилган нақшдек бўлади, деган гап ҳақиқат. Шу маънода биз энг аввало тарбияни мактабдан бошлаймиз. 136-мактабда миллий кадрларнинг эъозлаш, «Оммавий маданият» нибоби остида кириб келадиган ахлоқсизликлардан ёшларимизни ҳимоялаш борасида ҳуқуқшунослар, шифокорлар,

бардоримиз. Айниқса, кимдир ёрдамга муҳтож бўлса, ҳаммаша ёндашамиз. Бундай қўллаб-қувватлашлар одамларнинг бир-бирига бўлган ишончини, меҳрини орттиради.

— Тўй ҳам, маърака ҳам маҳалла билан-да, тўғрими?

— Президентимиз томонидан тўй-маъракаларни ихчамлаштириш, ортиқча дабдабаларсиз ўтказиш ҳақидаги 1998 йилда эълон қилинган Фармоннинг амалдаги ижросига алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, қайси бир кўчада тўй ўтказиладиган бўлса, эгалари бир ой аввал бизларни хабардор қилади. Икки тарафнинг олди-бердиси, тўй тadbирлари ҳақида келишиб оламиз. Очигини айтишим керак, кўнглилик камтарлик, ихчамлик тарafdори. Лекин бир кунлик тўй учун бор-будини сарфлаб, буни иззат-обрў, шон-шараф деб ўйлайдиганлар ҳам орамизда топилади. Улар билан ҳам маслаҳат иш тутамиз.

Барибир маҳалламизда бир-бирига кўз, кўзгу бўлиб яшаётган инсонлар кўнгликни ташкил қилади, десам янглишмайман. Қизларимиз, йигитларимиз олий ўқув юртларига кирганида, битириб, иш бошлаганида, ёр-ёрлар билан тўйлар қилганимизда, хуллас, ҳар дақиқада маҳалла аталмиш муқаддас кўрғоннинг файзини, куч-қудратини чин дилдан ҳис этамиз.

— Маълумки, жорий йил октирда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг навбатдаги конференцияси ўтказилди. Ана шу нуфузли анжуман арафасида сизнинг кўнглингиздан қандай ўйлар кечапти?

— Биласиз, хотин-қизлар ҳам оилада, ҳам жамиятда энг фаол қатламга айлиниб бораёпти. Бу борада кўмита ўз олдига қўйган долзарб вазифаларни амалга оширишда фаоллик кўрсатаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Маъжур анжуман эса бизларни яна бир фаоллик, шижоат билан ишлашга даъват этади деб ўйлайман ва конференция иштирокчиларига қарата, сизнинг йўлингиз — бизнинг йўлимиз, дегим келади.

Кутлибека РАҲИМБОВА
суҳбатлашди.

МАҲАЛЛА — КЎЗ, МАҲАЛЛА — КЎЗГУ

Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани «Шофайзи» маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Малика Мўминова билан суҳбат



Малика Мўминова (ўртада) маҳалладошлари даврасида.

150 туп атиргул ўтказдик. Энг муҳими, ҳар дарахт, ҳар гулнинг эгаси бор. Уларнинг уриб, ўсиб кетишига жавобгар оилалар аниқ.

Ҳар ким ўзи яшаган жойнинг бир қисми. Кўчалар текис, ариқлар тоза, дов-дарахтларга чиройли шакл берилган, иморатларнинг кўча юзи бир текис оқланган бўлса, одамнинг кўнгли равшан бўлади-да. Яшагиси, орзу-ҳаваслар қилгиси келади. Шу боис ҳам биз озодлик борасида доимий тарғибот ишлари олиб борамиз. «Ўй ҳам, кўча ҳам бизники» шиори-миз, айниқса, ўсмирлар, келин-чақларнинг дилига маҳкам жойлашиб олган.

— Маликаҳон, биласиз, иш аҳоли учун фақат даро-

ли аҳоли рўйхати тузилган. Туман Бандлик маркази ходимлари билан ҳамкорликда қилган бу ишларимиз яхши самара берди. Аввал икки имкониятларимиздан келиб чиқиб маҳалла ҳудудидagi тadbиркорлар устахоналаридан ишга эҳтиёжи борларга иш ўрни топдик. 72 нафар фуқароларимиз ушбу марказ ёрдамида шахримизнинг турли жойларидан ишга эга бўлишди. Бу сира тўхтамайдиган ҳаракат.

— Оила Ватан ичра митти ватандир. Жамиятни мустаҳкамлаш оилани мустаҳкамлашдан бошланади. Сир эмас, жамиятга фойда берадиган оилалар қатори, нотинч фарзандлари тақдирига бефарқ кишилар ҳам йўқ эмас.

ёзувчи-шоирлар, психологлар иштирокида тез-тез тadbирлар ўтказамиз. Бундай мулоқотларда ёшлар фақат тингловчи бўлиб қолмайдилар. Ўзларининг кийиниш маданияти, оилага тайёргарлик, қиз боланинг ҳаёси, ўғил боланинг ота-она, юрт олдидаги бурчи ҳақидаги фикрларини тинглаймиз. Соғлом турмуш тарзи аввал тафаккурда, онгда шакллансагина, ҳаётга татбиқ этилади.

Шоли курмакис бўлмаганидек, нотинч оилалар, бир-икки, уч йил яшаб, фель-авторимиз тўғри келмади, деб ажралашга ариза бераётган эр-хотинлар ҳам йўқ эмас. Албатта, ҳар бир аризани ўз жойида синчковлик билан ўрганамиз, таҳлил қиламиз. Жорий йилнинг 9 ойида 11 та ариза тушган бўлса, шулардан тўрттаси оилавий можаролар билан боғлиқ аризалар эди. Ишни судгача олиб бормасдан ҳал қилишга эришдик.

— Маҳалла шундай паноҳ бўлиши керакки, унда ҳеч ким ўзини ёлғиз сезмаслиги керак. Бугун Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда олиб борилаётган ишчилар ислохотларга Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси тизимидаги барча ташкилотлар қатори сиз ҳам камарбастасиз...

— Биз ҳар доим уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, ногиронлар, кам таъминланган оилалар аҳволидан ха-

Жараён

БУГУННИНГ МУАЛЛИМАСИ

Мирзачўл туманидаги 17-умумтаълим мактабининг бошланғич синфлар муаллимаси Шаҳзода Баротова ҳам ана шундай устозлик мақомига эришиш учун ҳаракат қилаётган, ўқиб, изланаётган, кун сайин тажрибасини ошириб бораётган ёш муаллималардан бири.

— Онам ўқитувчи бўлганлари учунми, болагимданок шу касбга қизиққанман, — дейди Шаҳзода. — Бу хавас бора-бора орзуга, қатъий мақсадга айланди... Йилларнинг юғуриклгини қарангки, биринчи синф ўқувчиларига дарс бера бошлаганим ҳам мана, олти йил бўлибди. Шу давр оралиғида ўқитувчи сифатида қандай натижаларга эришган бўлсам, аввало онажоним, тажрибали педагог Бибиражаб Баротовадан, қолаверса, устозларим Ориф ака Сафаров, Севара опа Мусурмоноваларга бир умр таъзим қилсам арзийди. Ишонасизми, ҳалиям ўзимнинг кадрдон мактабимга кириб бораётганимда қалбимни ҳаяжон босади. Гўё бу даргоҳ сирли-синоатли бир сарой, унда ишлайётганлар эса ҳамма нарсага билгувчи сеҳргарларга ўхшаб туюлади.

Айни пайтда 420 нафар ўқувчи таълим олаётган ушбу кутлуғ даргоҳда 20 нафардан зиёд ўқитувчи ёш авлодга таълим-тарбия бераёпти. Муҳташам спорт зали, бой кутубхона, фан кабинетлари, лаборатория хоналари ўқувчилар хизматида. Бундай мактабларда Шаҳзода Баротова сингари сеvimли устозларидан сабоқ олаётган келажакимиз эгалари бўлган ўғил-қизларимиз чинакам бахтли, истиқболи порлоқ ёшлар десак муболага қилмаймиз.

Донуғул ЖўРАЕВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

Кимдир молу давлати, кимдир ширин каломи, яна кимдир эзгу амали билан эл қорига ярайди. Чин маънода яхши инсон деган номга сазовор бўлиш учун эса одам нафақат яқинлари ва оиласи, балки маҳалладошлари, элдошлари ташвиши, дарди билан ҳам яшай билиши керак. Ургутлик Содиқжон Исмоилов айнан ана шундай номга муносиб инсонлардан бири десак янглишмаймиз.

У кўп йиллар турли лавозимларда ишлаб, нафақага қиқчанидан сўнг Ургут туманидаги

«Илонли» кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Совфон маҳалла фуқаролар йиғинига раисликка сайланди. Тиниб-тинчимас оқсоқол қисқа муддат оралиғида ўзининг камтарлиги, одамуҳлиги, хушмуомалалиги, ҳожатбарорлиги билан элдошлари орасида обрў қозонди.

Ҳар кун, кечаю-кундуз ўнлаб маҳалладошлари турли масала-муаммолар юзасидан унинг хузурига келишади. Бирови оиласидаги арзимас низога ечим изласа, бошқаси тўй олди маслаҳати билан чиқади, яна бошқаси моддий кўмакка муҳтож ногирон ёки кексалар масаласида мурожаат этади. Хуллас, ҳар бир совфонлик Содиқжон раиснинг жўяли маслаҳатига қулоқ солади. Маҳаллада қандай байрам ёки тadbирлар уюштирилса, биринчи навбатда

меҳр-муруватга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш аъянага айлиниб қолган. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрамида ҳам дастурхон ёзилиб, маҳалла фахрийлари, кекса отахону онахонлар ва фаоллар иштирокида бир пиёла чой баҳонасида суҳбат уюштирилди. Табиийки, бундай жайрли ишлар маҳалладошлар ўртасидаги аҳиллик ва тотувликка замин яратмоқда.

Яна бир ибратли жиҳати, маҳалла маслаҳатчиси Ҳайитбуви Бобоқулова, посбон Иззатилла Ҳаққулов ва бошқа фаолларнинг жонбозлиги туфайли бу ҳудудда жиноятчиликка, оилавий қўйди-чиқдиларга даярли барҳам берилган. Обрўли кайвониларидан иборат комиссия тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш, дабдабазликка чек қўйиш учун тўй қилишни ният қилган оилаларда бўлиб, тарғибот-тушунтириш ишларини олиб боришяпти.

Содиқжон Исмоиловнинг саяб-ҳаракати билан маҳаллада ободончилик ва бунёдкорлик ишларига ҳам катта эътибор қаратиляпти. Ҳар ҳафтанинг шанба кунини маҳалла аҳли йиғилиб, ариқлар, кўчаларни ҳашар йўли билан тозалашади. Бу ташаббус кейинги пайтда бошқа маҳаллалар ўртасида ҳам кенг ёйилиб бормоқда.

Узоқ ОМОНОВ,
Ургут тумани.

Баланд-баланд тоғларнинг қори бўлар,
Ўнгирида булут, лочин сори бўлар.
Ўланчилар манмансираб
керилмайди,
Эл оғаси — мард йигитнинг
ори бўлар.

Бундай ўзбекона, соф миллий рух уфуриб турган ўлан-лапарларни эшитган қай бир юрак жўшмайди? Халқ оғзаки ижоди намуналарини авлодлардан авлодларга етказиб келишда санъат намоёндаларининг хизмати беқиёс. Ана шундай сеҳрли овоз соҳибаларидан бири — Ангрен шаҳар Алишер Навоий номидаги маданият маркази раҳбари, истеъдодли ёш хонанда Кимёхон Қосимова ҳам бугунги кунда миллий ва замонавий кўшиқчилик йўналишида жиддий изланишлар олиб бораётган. Унинг репертуари бой ва сермазмун.

— Кимёхон, сиз куйлаган ўланларни тинглаган мухлис кўнглида табиий равишда бир савол туғилади: хўш, халқ йўлида куйлаш осонми ёки бунинг учун махсус профессионал тайёргарлик керакми?

— Биласизми, инсон дунёга келар экан, унинг қулоқлари остида илк янграган кўшиғи алла бўлади. Таъбир жоиз бўлса, минг йиллар аввал ҳам менинг назаримда оналаримиз дилбандларига алла айтган, тўғрими? Шундай бўлгач, ҳар бир аёлнинг юрагида Оллоҳ берган чўғ — иқтидор бўлар экан-да. Демак, менинг ҳам бу соҳага келишим тасодиф эмас. Энг аввало, устозларнинг бетакрор санъати, қолаверса, халқ оғзаки ижодига бўлган қизиқишим туфайли шу йўлни танладим.

Мен сўхбатимизни бежиз миллий аъналардан бошламадим. Ҳатто ҳозир ҳам онамнинг укаларим ётган бешик ёки беланчақларга суяниб айтган аллалари қулоғим тағида жаранглаб туради. Анча улғайиб қолганимда ҳам волидамга ҳазиллашиб, илтимос, биттагина алла айтиб беринг, деб ялилардим.

Мактабда ўқиб юрган чоғларимдаёқ турли кўрик-танловларда иштирок этиб, лапарлар ижро этдим. Ниҳоят, аънавий ихрочилиққа бўлган қизиқиш кучлилик қилиб, Тошкент маданият техникумига ўқишга кирдим. Устозларнинг ибратли ўғитлари, берган билим ва сабоқлари ўлан айтишга иштиёқимни янада кучайтирди. Ушанда Қурама тоғ этакларида яшовчи момоларимиздан ҳазил ва қочиримларга бой ижод намуналарини тўплашни ният қилганман. Буни қарангки, орзунинг қаноти бўлар экан, техникуми тамомлагач, Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг муסיқий таълими йўналишида таҳсил олдим.

— Талабалик пайтидаёқ катта-кичик давраларда танилиб қолган экансиз-да?

— Халқимиз ўзининг санъатсеварлиги билан довруғ қозongan. Тўй-томоша, байрамларда кўп кўрганмиз, юрагига жиз этиб теккан оҳанг, куй, кўшиқ бўлса бас, ё берилиб ўйинга тушиб кетади, ёки сизга кўшилиб хиргойи қилади. Ўзим ҳам ана шундай давраларда томошабин бўлиб ўтиролмасдим. Энг қизиғи, ўқиб юрган маҳалларимдан бошлаб мухлислар ортирганман, десам муболага бўлмайди. Айниқса,

Истеъдод

лар сари интиляпман. Ва бу борада аънавий ва эстрада ихрочилиги бўйича таникли инсонлар — Ўзбекистон Республикаси санъат арбоблари Темура Маҳмудов, Анор Назаров, ўлан ва лапарчилик йўналиши бўйича Турдали Пардаевлардан сабоқ олганимдан фахрланаман. Шу билан бирга, ана шундай фидойи санъат намоёндаларининг ишончини оқлашга ҳаракат қилаяпман.

Маълумки, санъат йўли жуда захмат-

САДО БАРАЁТГАН ОВОЗ



халқ кўшиқ ва лапарлари менинг жону дилим эди. Келинг, улардан бирини эшитиб кўрайлик-а:

Қурамага қиз берсанг қўймайди,
Қатик, қимиз ичганга тил куймайди.
Ўзлигини берган Ватан, она юрт,
Ўз халқини суйиб сира тўймайди.

Кўряписизми, қанчалар ҳаётӣ, содда ва ўйноқи. Бунда юрта муҳаббат, оилага садоқат туйғулари муҷассам. Назаримда, ҳар биримизнинг руҳиятимизга ана шундай наволар, оҳанглар ўзгача кайфият, шукӯх бағишлайди.

— Биласиз, ҳеч бир одам онадан ёки осмондан иқтидор соҳиб бўлиб тушмайди? Шу маънода аббатта сиздаги милт этган чўғни, орзу-ҳавасни сезган ва машаққатли санъат йўлига чиқшингизда кўмак берган устозларингиз хусусида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади, “Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар” деган аjoyиб нақл ва иборалар бор. Шундай экан, табиийки, мен ҳам ҳали катта саҳналарга чиқмаган бўлсам-да, лекин баланд-баланд чўққи-

ли ва кўп меҳнат талаб қиладиган соҳа. 2004 йили “Бойсун баҳори” халқаро фестивалида иштирок этиб, махсус диплом билан тақдирландим. Ўлан айтишувимиз мухлисларга бирдек манзур бўлганини кўриб, очғи, шунақа қувондимки, ана шу лаҳзаларда мендан бахтиёрроқ, бахтлироқ инсон йўқ эди гўё. Бу ҳаяжонимни сўз билан тасвирлай олмайман. Энг қизиғи, ҳатто тилимизни умуман тушунмайдиган хорижлик меҳмонлар ҳам ҳазил ва қочиримли лапарларни тинглаб бош иргашиб, тасанолар айтишгани ҳеч эсимдан чиқмайди.

Кейин ҳам яна кўпгина танловларда, хусусан, Маданият ва спорт ишлари вазирилик томонидан ҳар йили ўтказиб келинаётган “Ўлан айтгани келдик” деб номланган аънавий фольклор фестивалида ҳам муваффақиятли қатнашиб келяпман.

— Оддий бир ҳақиқат шуки, санъат соҳасида изланиш, ўз устида тинмай ишлаш ва энг асосийси, шинавандалар эътиборини қозониш жиддий мезон ҳисобланади. Хўш, сиз-чи, келгусида қандай режаларни мўлжаллаясиз?

— Тўғри, пойтахтда ижод қиладиган хонандалар билан вилоятларда яшайдиганлар ўртасида катта фарқ бор. Имконият, эътибор, концертлар уюштиришда айрим муаммолар бўлиши табиий. Лекин, масалан, хизмат қиладиган Алишер Навоий номидаги маданият маркази фаолиятини янада кучайтириш учун шаҳар ҳокимлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар яқиндан кўмак беришапти. Байрам дастурлари тайёрлашимизда кўллаб-қувватлашмоқда. Бу эса бизнинг ижодий гуруҳимизга ҳам катта масъулият юклайди.

Ўзимнинг ижодимга келадиган бўлсак, янги кўшиқ ва халқона лапар-ўланлар устида ишлаяпман. Муҳлисларимга манзур бўладиган мустақил альбомимни яратаман.

Сўхбатдошимиз — умидли хонанда Кимёхон Қосимова камтаринлик билан “Илтимос, кўпам мақтайверманг, ҳали элдошларим олдида узолмаган қарзларим бисёр. Насиб этса, менинг ҳам овозим тоғлар орасида садо беришга ишонаман ва шинавандалар кўнглига хуш ёқадиган кўшиқлар куйлашга ваъда бераман!” деб қўйди-да, секин яна хиргойини бошлаб юборди:

Булбулларнинг қўнгани гул бўлади,
Оламдаги бор сўзни тил билади.
Момоларим қилган удув давом этиб,
Юртимизда шодиёна мўл бўлади...

“Оила ва жамият” муҳбири
Нигора ЎРОЛОВА сўхбатлашди.

БОЛА БОШДАН ДЕЙДИЛАР

Ҳар биримиз умид билан фарзанд ўстирамиз, тарбиялаймиз. Катта ҳаёт йўлига чиқиб олганича юрагимизни ҳовучлаб яшаймиз. Ордидан раҳмат эшитсак суянсамиз, салгина кўнглини хира қиладиган сўз эшитсак-чи?

Туман ички ишлар бўлими томонидан “Мустаҳкам оила йили” муносабати билан шу

кунга қадар ёшлар ўртасида мунтазам равишда турли мавзуларда учрашув ва давра сўхбатлари ўтказиб келинмоқда. 54 та мактаб, 7 та касб-хунара коллежлари ва кишлоқ фуқаро-лар йиғинларида уюштирилган мулоқотларда ҳуқуқбузарлик, диний экстремизм каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, вояга етмаган ўқувчи қизларни эрта турмуш-

га узатишга йўл қўймайлик билан боғлиқ долзарб масалалар хусусида батафсил сўз юритилди.

Ушбу режали тадбирларнинг самараси туфайли туман миқёсида кейинги йилларда вояга етмаганлар орасида жиноят содир этиш нисбатан камайишга эришилди.

Албатта, ҳар қандай шароитда ҳам исталган касаллик-

нинг олдини олган афзал. Шу маънода кенг жамоатчиликка суянган ҳолда фаолият юритилаётганлиги, профилактик ишлар дастур асосида олиб борилаётганлиги туфайли ана шундай натижаларга эришиляпти.

Шаҳобиддин ЭШОНКУЛОВ,
Бўка тумани ИИБ
бошлиғи ўринбосари,
милиция катта лейтенанти.



ФАРСАНГ — бу сўзга адабий асарларимизда, мумтоз адабиётимиз намуналарида кўп дуч келамиз. “Фарсанг” сўзи эскича ҳисобда бир тош, яъни саккиз чақирим, янгича ҳисобда тахминан 6 километрга тенг бўлган узунлик ўлчови маъносини англатади. Бу сўзнинг “фарсах” шакли ҳам бор.

Воҳанинг узунлиги нари борса — уч-тўрт фарсанг, кенлиги, кўп бўлса, бир фарсанг келар.

Одил Ёқубовнинг
“Кўҳна дунё” романидан

Ватан тупроғин аммо кездим фарсах ва фарсах.

Абдулла Орипов

Кўзулдурук — бу сўз жуда қадимий сўз. У қадим замонларда “кўзойнак” маъносига яқин мазмунни англатган. Ҳолбуки, у пайтларда кўзойнакнинг ўзи бўлмаганку дейишнинг мумкин. Бироқ, “Девону луғотит турсу”да изохланишича, касал кўзга тақиш учун от думидан тўқилган кўзойнакмонанд мослама “кўзулдурук” деб аталган.

ЧИГИТ — бу сўзнинг пахта уруғи маъносини англатишини ҳаммамиз яхши биламиз. Хўш, “чигит” сўзининг туб илдизи қандай мазмунга эга? “Ўзбек тилининг этимология лугати”да изохланишича, қадимги тилимизда “боғла” маъносини билдирган “чиг” деган феъл бўлган. Шу феълга “-ит” қўшимчаси қўшилиб, “чигит” сўзи ҳосил қилинган. “Чигит” сўзи “толаларни ўзига боғлаб турувчи” деган маънони англатади.

Чигит чиқиндиларини қайта ишлаб, улардан целлюлоза, спирт, лок ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Ўзбекистон Миллий
Энциклопедияси

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

Таҳририятга келган аёлниң юз-кўзларидан нур ёйилча турал гўё. Уяни-мизга тўрап хаёлларга бордик. Хопл қолганимизда "Илтимос, мениң бошимдан кечган воқеаларни газетда эълон қилинг. Бу бошқаларга сабоқ бўлсин. Фақат исму шарифини ўзгартиринг. Чунки..."

БАХОРАНИНГ ҲИКОЯСИ:

— Уч кун аввал туғилган қишлоғимга бордим. Катта йўлда одамларнинг тобут кўтариб, қабристон томон бораётганини кўрдим. Дунёдан ўтган инсоннинг ким эканлигини билганим заҳоти нафасим бўғилди. Негаки, у оддий инсон эмас эди. У бир бегонани бемаҳал ўлим чағалидан омон сақлаб қололган, бу ҳам етмагандай, уни маломатлардан асраб, ҳаётини изга солишга беминнат кўмак берган зот эди. Ишонинг, бундайлар дунёга ҳадеганда келавермайди. Минг афсус, у билан видолашмоқ менга насиб этмади...

...Ушанда мен мактабни тамомлаш арафасида эдим. Онам вафот этганига икки йил бўлган, отам ҳам анча йиллар аввал бизни ташлаб кетгани учун мен акам ва келинойимнинг қарамоғида қолгандим. Келинойим мени ёқтирмади, акам менга бирор нима олиб келган куни у мени пана-пананда чимди оларди. Мен унинг зуғумларини акамга айтолмасдим, кўркардим.

Қандай бўлмасин, мактабни тезроқ тамомлашни, ўқиш учун олис-олис шаҳарларга кетишни истардим. Аммо тақдир мени ширин орзулар билан эмас, балки аччиқ алам ва кўргиликлар билан олисларга улоқтирди...

Бир куни акамга битирув кечамизга ҳамма янги кўйлак кияётгани, менга ҳам олиб беришни илтимос қилдим. У эртаси кунийк мен орзу қилган кўйлакни олиб келди. Шу куни дунёга сиғмадим. Аммо бу кунончим ортида келинойимнинг аламли қасди борлиги, шугина кўйлак мен учун анча қимматга тушишини ўйламаман.

Битирув оқшомимиз кўшни маҳаллада яшайдиган синфдошимизникида уюштирилди. Шу куни дугоналарим билан роса ўйнаб-қулдим. Бир маҳал мени кўчада кимдир чақираётганини айтишди. Чикдим. Келинойимнинг укаси экан.

— Опам сени уйга олиб кел, деди, юр, кетдик, — деди у. Иккиланиб қолдим.

— Мени акам олиб кетаман деганди-ку, — дедим унга.

— Поччам кечки сменада қоларкан, шунинг учун опам мени юборди. Юр, тезроқ, вақтим эйк.

Зарда билан айтилган гапдан сўнг ортимга қайтиб синфдошларим билан хайрлашиб чикдим-да, келинойимнинг укасига эргашдим.

Атроф зим-зимистон эди. Икки томони тутқатор йўл ой нурида хийла оқариб кўринади. Шамолда тут новдалари шитирлаб, ваҳимали шовуллайди. Келинойимнинг укаси олдинда борар, ортидан мен эргашиб кетаётгандим. Мен бу йўлнинг тезроқ туғашини истардим. Бироқ...

Бирданига ортига ўгирилиб, менга ташланган одамнинг зарбидан йўл четига учиб тушдим...

— Бу нима қилганингиз?!
... Бир неча лаҳзалар олдин нақадар бахтиёр эдим.

Ҳозир эса... Мен унга бас келолмадим. То-моғим йиртилгудек бўлиб бақирсам-да, овозимни ҳеч ким эшитмади. Ҳеч ким менга ёрдамга келмади.

— Ойи-жон, ойи-жон!

— Бировга айтсанг, ўзинг шарманда бўласан. Тилингни тийиб юрсанг, ўзим сенга уйланаман.

— Худого солдим сени!
Қулоқларимни бор кучим билан беркитдим. Бу жирканч одамни бўғиб ўлдиришни истардим, аммо мен учун ўша лаҳзада осмон йироқ, ер қаттиқ эди...

Азобли кунлар бошланди, келинойим эса хурсанд. Мен ҳаммаси унинг режаси эканини билардим. Бир куни бор алаимни юзига айтдим.

— Оилали уканим йўлдан урган ўзинг бўлсанг. Шу гапга аканг ҳам ишонади, ишонтираман. Кўраимиз кейин ҳолинг нима кечаркин? Маҳаллада шарманда бўласанлар, аканг ҳам бошини кўтариб юролмай қолади, — деди келинойим.

Етимнинг кўрган куни курсин экан. Иккиқат бўлиб қолганини билган, кўзимга дунё баттар тор кўрина бошлади. Жонимга қасд қилишдан бошқа чорам қолмаган эди.

Ярим тунда қишлоқ четидан оқиб ўтадиган сой бўйига бордим. Аввал тўйиб йиғладим, ўлгим келмасди. Гуноҳим нелигини айтиб, Худога зорландим. Эски кўприқдан ўзимни

сойга ташладим. Бироз вақт ҳаракат қилмадим, аммо нафасим қисила бошлағач, яшаш учун зўр бериб кураша бошладим. Сув юзасига чиққанда бақираман, овозимни биров эшитганим ёки йўқ, бун билмайман. Жуда тез оқадиган сойда ўзимни эпюлмасдим...

Танамда жон қолмади. Коронгулик тубига чўка бошладим. Шунда... қаердандир етиб келган қўллар мени сув юзасига олиб чикди.

Кирғоқда анчадан сўнг ўзимга келибман.

Мени кутқарган одам мактабимиз муаллими — Муҳаммад ака экан.

— Нега бундай қилдинг? Айни ўйнаб-қуладиган

Мен ҳайрон бўлиб муаллимга қарадим. У бошини маъноли қимирлатди-да:

— Мен ўзим қафиллигини оламан, Иномжон. Қотиржам бўлинг, қўлингизга эсон-омон олиб келаман. Ҳали яхши жойларга қуда бўламиз, тўйлар қиламиз.

— Худо хоҳласа...
Акам хавотир билан, кели-

ЯХШИЛИККА МУКОФОТ, ЁМОНЛИККА...

пайтингда сени қайси шайтон йўлдан оздирди, қизим? — деди у киши.

— Нега кутқардингиз, бундай кўргуликдан кўра... — муаллимнинг елкасига бош қўйиб йиғладим.

Уйга қайтиб бормадим. Муаллим мени уйига олиб кетди. Унинг аёли менинг кўнглимга қўл солди. Ҳаммасини очиқ айтмасликдан бошқа чорам йўқ эди.

Тонг оқармасидан муаллимнинг хотини мени уйотди.

— Тур, қизим, уйингга борамиз.

— Йўқ, келинойим акамга айтган бўлса, мени соғ қўймайдилар!

— Кўрқма, биз бормиз ёнингда. У уйда қолмайсан. Кетамиз.

Катталар узок маслаҳатлашишди. Мени ташқарига чиқариб юборишди. Нима гаплар бўлганини билмадим-у, охирида акам мени қақирди:

— Баҳора, устозинг ўртага тушгани учун рози бўлдим, менинг юзимни ерга қаратадиган иш қилмайсан деб умид қиламан. Майли, ўқинг келатган бўлса, ўқи, — деди.

нойим ҳушнудлик билан мени кузатиб қолди. Нега қувонмасин, ахир эрининг топангига шерик бўлаётган етим сингил уйдан кетаяпти.

Муаллим хотини билан бирга мени узок қариндошининг уйига бошлаб борди. Уларга ҳам нималар дейишганини билмайман, аммо йўлда тўхтаб, бозордан менга янги кўйлақлар сотиб олишди, рўмол ўратиб, келинлардек ясантриб қўйишди.

Бегона ҳовлида кунларим ўта бошлади. Уй эгалари жуда яхши одамлар экан. Айниқса, ёши элликлардан ошган, касби ўқитувчи бўлган онахон менга жуда меҳрибон эди.

— Эрингиз ўлгани йўқ, у сизнинг қалбингизда, зурриётингиз юрагингизда яшайпти, умидингизни йўқотманг, болам, — дерди у қайта-қайта. Билдимки, муаллим ва унинг аёли менинг шаънимни асраб, шу гапларни ўйлаб топишган.

Хонадон соҳибаси менга қўшимча дарс ҳам ўтарди. Муаллимнинг гапи билан келаси йил институтга киришим керак эди. Мен ҳам астойдил ҳаракат қила бошладим...

Кишнинг совуқ кунларида бош оғриги, тумов ва йўтал каби нохуш ҳолатларни келтириб чиқарувчи шамоллаш ва грипп хасталиги билан оғримай десангиз, авваламбор **ВИТАМИН С** маъжуд бўлган маҳсулотларни истеъмол қилишга ҳаракат қилинг. Ушбу витамин қарам, кашинч кўкати, охлўри, лимон, киви, нўхат, қулупнай, баклажон, редиска, помидор, картошка, пиёз, қовун, апельсин, мандарин, лимон ва ҳайвонлар жигарида кўп миқдорда учрайди. Бу дармондори айниқса юқумли касалликларнинг олдини олишда энг яхши кўмакчи ҳисобланади. У организмни ташқи муҳитнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилади.

Ҳаво-томчи йўли орқали юқадиган касалликлар соғлом одамга инфекция ўчоғи бўлган ҳудуд қўпланган жойларда, ёпиқ бино ва транспорт ичида

ШАМОЛЛАШДАН АВВАЛ

юқши аҳтимоли кўпроқ. Буни олдини олишининг энг яхши усулларидан бири — кунда (нохуш бўлса-да) саримсоқ ва пиёз истеъмол қилиб туришдир. Тўғриси, бу усулни уйда, оила даврасида қўллаган маъқулроқ. Кези келганда шунга айтиб ўтиш жоизки, оғзингиздан саримсоқ хиди аниқ туришини истамасангиз, ундан сўнг кашинч кўкати ёки бир чимдим майдаланган қаҳвани чайнаб юборсангиз, бемаза хиддан фориг бўласиз.

Пиёз ва саримсоқ тановул қилишни ёқтирмайдиганлар учун эса яна бир усул: ликопчага пиёзни майдалаб тўграб, хона ичига 1-2 соатга қўйиб қўйинг, бу усул хонадаги инфекция ва микроорганизмнинг нобуд бўлишига ёрдам беради.

Шу билан бирга сут маҳсулотлари ҳам инсон саломатлиги учун жуда фойдали. Кунда сут, қатик, пишлоқ, йогурт, творог ва шу каби сут маҳсулотларини истеъмол этиб туришни қанда қилмасангиз ошқозон-ичак ўйлари фаолияти ўз меъёрида бўлади ва бу билан организмнинг иммунитетини мустаҳкамланади.

Совуқ қотиб, ўзингизда шамоллаш аломатларини сезганингиз заҳоти куйидаги маслаҳатларга амал қилинг. Авваламбор, оёқларингизни хантал қукуни солинган (харорати 36-40 даражали) сувда 10 дақиқа ушлаб туринг. Ёмғирли ва қорли кунларда пойфазалингиздан сув ўтган бўлса, оёқларингизни ароқ ёки спирт билан яхшилаб ишқалаб артинг ва қуруқ, юмшоқ пай-

Соғиғимиз — бойлиғимиз

поқ кийиб олинг. Сўнг 2-3 пиёла малина, лимон ёки асал чой ичинг. Кейин иссиқроқ кийиниб, тўшақда ўралиб ётинг. Ухлаётган вақтингизда яхшилаб терласангиз, эртаси куни соппа-соғ ҳолда уйғонасиз.

Яримта лимон шарбатига яна шунча қайнаган сув қўйинг ва бир ош қошиқ асал солиб, аралаштиринг. Ушбу шифобахш ичимликни ҳар куни эртаб, нонуштадан 15 дақиқа олдин ичиб турсангиз фойдадан холи бўлмайди. Бу ҳам ҳолисонининг олдини олади, организмни чиниқтиради ва мустаҳкамлайди.

Юқорида келтирилган муолажалар хусусида мутахассис билан албатта маслаҳатлашган маъқул.

Гулчехра АЗИМОВА тайёрлади.

(Давоми.)

Боши Утган сонда)

Домла ух тортиб, калласини ортага ташлади. Кўзларини юмди. Назаримда у кўкдан нажот тилаб турган мискин, нотаваон кимсага ўхшаб кетди. «Бечора, ўз ёғида қовурилиб адоий тамом бўлаёзибди-ку!» деб тасалли беришга уриндим.

— Улуғларнинг хатоси ҳам улуг бўлар экан-да. Начора...

У бошини аста кўтарди. Ҳақорат эшитгандай кўзларини дарров очиб, безовта тамшанди.

— Одам табиати галати, ўзидан фазилат ахтариш ўрнига бировдан нуқсон қидиришни яхши кўради. Эҳтимол, бу кусурдан камина ҳам холи эмасдирман. Акс ҳолда: «Мени оқпадар килган сен!» деб ҳамма айбни хотинга тўнкаб ўтирмасдим. Ҳа, қарс ихки кўлдан чиқади — гуноҳ эр-хотин иккаламиздан барабар ўтди.

Боя айтдим, келин бир амалдорнинг қизи эди. Албатта, у эрка ўсган, муҳтожлик кўрмаган. Бировга хизмат қилиб эмас, бировларга хизмат қилдириб ўрганган. Тўйдан кейин отамни кўчириб келдим. Хотинга шарт кўйдим: «Мени десангиз, чолни ранжитмайсиз. Дунёда суйнадиган иккитагина одамим бор: Бири отам, бири сиз. Мабодо у кишининг кўнглини синдирсангиз ўзингиздан кўринг. Кечирмайман!» Хотин ўйноқлаб бўйнимга осилди. «Вой, ўлибманми, кўнгилларини синдириб. Ахир, у киши бизга азиз меҳмон-ку!» Хотин «меҳмон» деганда нимани назарда тутганлигини ўша пайтлар англамабман.

Биринчи йиллари қайнота билан келиннинг муносабатини кўриб ҳавасим келиб юрди. Отам келинини сизсирайди, келин «дадажон» деса, тилидан бол томади. Ҳафтага колдирмай уст-бошини ювиб, чинидай қилиб кўйди. Оғзига ёқадиган тасомлардан пишариб беради. Иложи бўлса тўрт қават кўрпачадан туширмас. Ҳатто, таҳорат сувига аса иситиб, ипак жойнамозни пешкаш қилиб туради. Отам севинчдан кўзларига ёш олиб, эртаю кеч келинини дуо қилади, унга умр тилайди...

Шу алфозда уч йил ўтди. Бу орада икки фарзандлик бўлди. Ҳовли олиб, кўчиб ўтди. Мени ишхонамга машина ташийдиган бўлди. Не ажабки, хотиннинг феъли ҳам ўзгара бошлади, димоғи кўтарилди, сержарда бўлиб қолди, уй-рўзгорга ҳам унчалик кўнгли йўқ, ҳатто мени жеркиб ташлайдиган қилик чиқарди. «Бўлди, эримнинг бўйнига миниб олдим, энди икки боласини ташлаб ҳеч ерга кетмайди», деб ўйладими, отасининг ҳовли-жой ситиб олишимизда қарашганига ишорамни, бошқа сабабми, ишқилиб ширин турмушимизга заҳар аралашди. Отамнинг ахволини-ку айтмай қўяломай. У киши ҳудди бизникида ижарага турган одамга ўхшарди: ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ, Биронта қилиғи хотинимга ёқмайди. Кейинги вақтларда бир нарса сизиб қолдим. Келин билан қайнота даярли гаплашмас экан. Бир кунни тасодифан тушликка кел-

дим. Қарасам, отам ҳовлида тик турганча кўйлагини юваляпти. Иссигим чиқиб кетди. Секин бориб кўлидан кир тоғорани олдим. Отамни кўчага олиб чиқиб машинага ўтқаздим. Тўғри дўконга бордик. Икки сидра кийим-бош олиб бердим. Кечкурун хотинни отасиникига олиб жўнадим. Жамоат жам экан. «Дада, дедим қайнотамга, турмуш курганингизга неча йил бўлди?» «Ўттиз йил, ўғлим, нима эди?» «Айтинг-чи, шу ўттиз йил ичида бирон марта кийим-бошингизни ўзингиз ювганмисиз?» «Йўқ, ювмаганман» «Отам етмиш бешга чиқди, ҳар сафар ўз кийимини ўзи ювади, ишонмасангиз, ана, қизингиздан сўранг!» дедиму чиқиб кетдим.

Хотин уч кундан кейин йиғлаб-сиқтаб кириб борди. Тавбасига таянгандир деб умид

пардага суйаниб қишлоққа етиб бордим. Уйга кетайлик, деб ялиндим, ёлвордим — отам кўнмади. «Сенлар тинч яшасанглар бўлди, шу менга давлат. Биз кетаётган одамми, сенлар келяспизлар, илоё омон бўлинглар», деб менга оқ йўл тилади. Ўн кундан кейин яна бордим. «Агар мен билан кетмасангиз, келиннингиз билан ажрашаман», дедим. Оёқларига бош уриб, кечирим сўрадим. Отам ноилоҳ ҳассасини қўлига олиб, машинага чиқди.

Энди мен ёзувчилар айтмоқчи, икки оғиз лирик чекиниш қилмоқчиман. Биласизми, кейинги пайтларда кўпгина раҳбар ўртоқларимизнинг турмушини кузатиб, галати бир хулосага келгандай бўлдим.

лан бир қошиқ ёвгон етади-ку? У — менинг отам. Ҳеч қаёққа кетмайди. Уятинг борми ўзи, хотин?» деёлмади. Чунки, хотин илгари ҳам бир марта жанжал қилиб кетиб қолган, ярим буюми онасиникида эди. Ичим ёнди. Кўз олдимга ҳашаматли кабинетим, илмий давралардаги «хуш кўрдик»лар, ишхонадагиларнинг қўл қовуштириб туришлари, яқинда бўладиган сайловлар келди. Журьатсизлик, тобелик устун чиқди. Беандишалик, бефаросатлик қилдим.

— Отам ... қайга боради? — дедим қизариб. Хотин сал юмшади.

— Пансионатдан жой гаплашиб кўйдим. Кўрқманг, фамилиянгизни сотмадим, бировларнинг номидан ҳужжат

Саъдулла СИЁЕВ



ГАВҲАР ЙҮҚОТГАН ГҮМРОҲ ЁХУД ОҚПАДАР ЎҒИЛ ИҚРОРНОМАСИ

қилдим. Йўқ, аксинча у тўнини тескари кийиб олди. Чолга баттар зуғум ўтказга бошлади. Жанжалнинг каттасини бошлай дедиму кўрқоқлик қилдим. Бир ёқда докторлик диссертациям яқинлашиб турибди, бир томонда бош раҳбарнинг ўрни бўшаётти, янги лавозимга менинг номзодимни кўрсатишибди. Тилимни тишладим. Бир ёмон хотиннинг касрига икки имкониятни бой бермай дедим. Яширмайман, ўша пайтлар отамнинг қисматини ўйлайдиган ахволда эмас эдим. Мени унвон билан мансаб кўпроқ қизиқтирарди.

Отам, опаларингни кўриб келай, соғиндим, деб қишлоққа кетди. Икки ой келмади. Мен ҳам йўқлай олмадим. Икки ой унвон мансаб учун курашдим. Эҳтимол, отам мени кутган, боравермаганидан кейин, ҳа, керагим йўқ экан-да, деб умидини узган.

Ниҳоят, кўзлаган мақсадларимга етдим. Ҳимоя тантанали ўтди. Бош раҳбарнинг ўрнига ўтирдим. Эшикка оқ «Волга» келадиган бўлди. Телефон тўртта, котиба иккита, югурдакларнинг сон-саногий йўқ. Шуҳратга, мактовга кўника бошладим. Ана шунда отам қайта ёдимга тушди. «Мени мана шу айланма креслога ўтқазган отам-ку, ахир!» дедиму, «Волга»нинг ортида шойи

Одамнинг амали, мартабаси нечоғлик юқориллашган сари, у хотинига шунчалик тоберок бўлиб қолади шекилли, деб ажабланаман. Мана, ўзимдан қиёс. Отамни бир амаллаб уйга қайтардим. Аммо унинг илгариги фароғатли турмушини қайтара олмадим. Хотин бурунгидек уни силтаб хўрламас эди-ю, лекин бирон марта «дада» деб очилиб гапирмасди ҳам. Мен бунақа муомалани кўриб туриб, ўзимни кўрмаганга олардим. Гоҳ бир нарса ни ўйлаб изтироб чекаман: Мен тобора хотиннинг гапига кўпроқ қирадиган, унга қаттиқ гапир олмайдиган бўлиб қолаяман. Доим қош-қовоғига қараб тураман. У ҳатто хизматимга аралашиб, менинг номимдан бировларга кўрсатма берганини эшитсам-да, яхши эмас, деб гуноҳорона илжайишдан нарига ўтолмайман.

Мен йўли хотинининг чилдирмасига алданган ўша телбага ўхшаб кетаётганимди. Ўйнаб-ўйнаб, охири қуюқ ўйронга кирганимни билмай қолдим. Кўзим очилганда кеч бўлган эди.

Бир кун оқватдан кейин хотин «нота» топширди:

— Бу уйда ё мен тураман, ё отангиз! Хоҳлаганингизни танланг! Менга барибир.

«Чол нима ёмонлик қилди сенга? Унга супрадай жой би-

тўғриладик.

Отам мени ўн ёшимгача опичлаб катта қилган эди. Энди мен салкам саксон яшар падари бузрукворимни ўз қўлим билан олиб бориб, кўмиб келдим. Эски кийимдек кўчага чиқариб ташладим. Отам мен билан очилиброқ хайрлашмоқчи бўлди-ю, эглай олмади. «Хотининг билан уришма, болам, деди овози қалтираб, ўлигим кўчада қолмасин. Қишлоққа олиб бориб кўм». Ушанда ҳам эсимни йғнамабман. «Гумроҳ ўғлингизни кечиринг, отажон!» деб оёқларига йқиқсам, қайта изига қайтарсам бўлмасми? Ўзига алоҳида уй олиб бериб, олди-га хизматкор қўйиб қўйсам, кучим етмасмиди?

Уч кун ишга чикмай, ётиб ичдим. Йиғладим, ичдим, яна йиғладим, ўн минг, балки юз мингдан бир одам боласи йўл қўядиган хато қилганимни энди тушунган эдим. Тўртинчи кунни ўрнимдан туриб, хотинни қақирдим.

— Кўнглингиз тўлдими, хотиним? — дедим. У ваҳоҳатимдан кўрқди шекилли, ортига тисарилаб бидиллади:

— Вой, ману кишини! Менга нима дейсиз? Ўзингиз-ку, бир оғиз йўқ демай обориб ташлаган...

Миямга гурзи тушгандек бўлди. «Бу кунингдан ўлгангиз яхши», деб бошимга мушгла-

дим.

— Энди сизга ҳам жавоб, истаган ерингизга бориб арз қилаверинг. Отам сизмаган ер менга ҳам ҳаром.

Хотин тахта бўлиб қолди. Мен ҳужжатларимни портфелга солиб чиқиб кетдим.

— Чакки қилибсиз, домла, — дедим биринчи марта сўзини бўлиб, бир йўла ҳам отадан, ҳам оиладан жудо бўлиш ... ақлли одамнинг иши эмас.

— Қайси ишим ақлли одамники? — сўради у жаҳл билан. — Шуҳрату амални ўйлаб гавҳардек отамни оёқости қилганимми? Тасалли истагандек сизга ҳасратимни айтиб ўтирганимми? Ё қилғиликни қилиб, айбни хотинга ағдарганимми? Қай бири ақлли одамнинг иши, айтинг!

Индамадим. У яна сигарета сўраб чекди, давом этди:

— Бу воқеага уч ой бўлди. Ич-этимни еб бўлдим. Сочимнинг ярми оқарди. Уч ойнинг икки ойи касалхонада ўтди. Бошим ғувиллайди. Нима қиларимни билмайман. «Домла, сизга нима бўлди?» деб ишхонадагилар ҳам ҳайрон. Инсонга табиат юборган дард борки, ҳаммасини бировга айтиш мумкин. Менинг дардимни айтиб бўлмайди. Шунинг учун одамларга қўшилмайман. Ҳали ёнимга бир чол келди. Юрагим чиқиб кетай деди. Турриш-турмуши, бўй-басти, ҳатто юзидоғи чандигигача отамни эслатади. Кўрқиб, шу ёққа ўтдим.

— Ўзингиз бу ахволда бўлсангиз. Дадангизни ҳам бориб кўролмагандирсиз?

— Афандимисиз, соғ бўлганимда-чи? Нима дега борамаман, қайси бетим билан борамаман? Ота, илгари меҳрим йўқ эди, бировлардан ақл ўрганга, меҳрли бўлиб келдим, дейманми? Меҳринг бозори йўқ...

У соатига қараб ўрнимдан турди. Ғамгин қолди.

— Ана, биродар, «Қиссаи оқпадар» тамом. Нима деб ўйласангиз, қандай ҳукм чиқарсангиз — ихтиёрингиз. Менга барибир. Мени фақат бир муаммо кийнади. Отам «Болам, ўлигим кўчада қолмасин, қишлоққа олиб бориб кўм», деб васият қилди. У киши бир кун оламдан ўтса, қандай хабар топаман? Ахир отамнинг манзили нотайин, ёлгон-ку? Мен уни қариялар уйига топшираётганимда қариндошиман, дегандим. У ердагилар хоқисоринга чол фалончи профессорнинг отаси эканлигини хаёлларига келтирмиган?

Ҳа, дарвоқе, яқинда отам ишхонамга икки энлик хат бериб юборибди. Мазмуни шуки, «Болам, бу ердагилар ўғлингиз бор экан, қаерда ишлайди, қилдиришди. Сенинг қилмигингни айтмадим. Об-рўйингга путур етмасин, дедим. Ташвиш тортмай ишлайвер, бошинг тошдан бўлсин», дебди. Бечора отаганим! Ўзи не ахволда-ю, ҳамон фарзандини ўйлайди... Узр, уқолим бор эди, борай. Врачларга ҳам қойилман. «Ғам еманг, домла, отдай бўлиб кетасиз», дейишди. Оптимистлар! Библишмайдики, юзта невропатолог, мингта психиатр бош кўшганда ҳам менинг дардимга дармон топишлари гумон. Чунки менинг дардим — бедаво!

НОВЧАЛАР, ОВОЗ БЕРИНГ

Ишонинг, айнан шу газетга мурожаат этишимни кўпчилик тақлиф қилди. Лекин тортинчоқлим сабаб бир йилга яқин иккиланиб юрдим. Охири хат ёзишга жазм этдим.

Ёшим 29 да. Турмушга чиқмаганман. Совчиларим бўлмаган эмас. Кўп сўраб келишгану... фақат йигитларнинг бўйини суриштирганимда мендан анча пастлигини эшитиб, очиги, учрашувларга чиқмаганман. Бўйимнинг баландлиги менга доим панд берган. Шунга қарамасдан уйланишга рози бўлган йигитлар ҳам бўлди. Аммо мен қаршилик билдирганман. Ахир ташқаридан қараганда бу тафовут жуда хунук кўринадиди!

Бўйим 1.85 см. Ота-онамнинг ҳам бўйлари баланд. Оилада ёлғиз қизман. Молия коллежини тамомлаганман. Ҳозир банкда ишлайман. Муноқарлардан турли тақинчоқлар ярайман. Юмшоқ ўйинчоқлар тикишга қизиқман. Ёлғиз қиз бўлсам-да, уй юмушларини онамдан ўрганганман.

Агар иложи бўлса, Хоразм вилоятидан, ёмон иллатлардан холи, қўлида бирон хунари бор, 35 ёшгача бўлган, бўйи мен қатори новча йигитлар бўлса хабар беришларингизни сўрайман.

**ГУЛЖАМОЛ,
Хоразм вилояти.**

МУНОСИБ ЁР ҚАЙДА БОР?

Хонамизга истихона билан кириб келган аёл шундай гап бошлади:

– Тўғриси, менга эмас, маҳалладошимиз Усмонали акага ёрдамларингиз зарур бўлиб қолди. Уларга муносиб умр йўлдош излаб келувдим. Ўзлари билмайдилар.

– **Бахонидил ёрдам берамиз. Фақат керакли хужжатларни топширингиз керак. Аввал ўзингизни таништириб, ўша киши қаҳида икки оғиз гапириб берсангиз.**

– Исми Дилфуза, маҳалла маслаҳатчисиман. Усмонали акани кўп йиллардан буён биламан. Жуда самимий, меҳнатқаш, маҳалласи учун жон куйдириб яшайдиган инсон. Оиласига кўпчилик ҳавас қилади. Раҳматли Санобар ая

билан тўрт фарзандни вояга етказишган. Келинонимиз ўтган йили ёзда касаллик туфайли вафот этди. Икки қизини тўйини кўрди, холос. Ўғиллари бўй етиб, отасига қумакчи бўлиб қолишди. Болалари жуда тарбияли, хунари. Уйи олдиндан кичик қандолатчилик цехи очилган.

Усмонали аканинг ёши 56 да. Маҳалла фаоли. Аввалига уйланиш масаласида бир - икки оғиз гапирганимиз

жон аёл топилишига умид қиламиз.

ЖУФТИМНИ КУТАЯПМАН

Ота-онам мен ёш бола пайтим вафот этишган. Опамни холам фарзандликка олган. Мени эса бувим, бувам катта қилишган. Улардан бир умр миннатдорман. Ҳеч кимдан кам қилмай ўстирдилар. Катта ҳовлида кичик амаким билан бирга яшаймиз.

Касб-хунар коллежини тамомлаб, олий ўқий юртига киришга ҳаракат қилиб кўрдим. Афсуски, талабалик насиб қилмади. Техника воситаларини сошлашга қизиқишим борлиги сабаб, шогирд тушиб хунари ўргандим. Ҳозир устозимнинг ёнида уяли телефонларни тузатишга ёрдам бериб келяпман. Келажақда ўз устaxonамни очиш ниятим бор.

Севган қизимнинг уйига бувим совчиликка борганларида рад жавобини беришди. Сабабини жуда кўп ўйладим. Бадавлат оила эмаслигимиз, ота-онам йўқлиги учун шундай қилишдимикин? Қизинг ҳам менда кўнгли бор эди. Бувим, келин излашга ярамай қолдим, ўзинг биронта қизни таллаб айтгин, дейдилар тинмай. Устозим бир қизни кўрсатган эди, жуда димоғдор экан. Менга самимий, камтарин қизлар ёқади. Севган қизим турмушга чиқиб кетгач, уйланишга астойдил ҳаракат қилмаган эдим. Уйлаб қарасам, мен тенгилар 3-4 болали бўлишди. Мен ҳам ўз оилам, фарзандларим бўлишини истайман. Шунинг учун бахтим учун ўзим ҳаракат қилапман.


Ёшим 31 да. Ўртоқларим мени жуда камгап, камсукумсан дейишди. Лекин бўлажак турмуш ўртоғим хушчақчақ, ҳазилқаш бўлишини хоҳлардим. Шунда ҳаётимиз зериқарли бўлмайди. Ёши 30 гача бўлган, қайси вилоятдан бўлишдан қатъи назар, ўртаҳол оиладан, оқила киз топилишига умид қиламан.

**БАҲРОМ,
Сурхондарё вилояти.**



"ЧАҚМОҚ ТУГМА"

Ўрслар "замок", "змейка", "молния" каби сўзлар билан аташади, ўзбекчада "чақмоқ тугма", "занжирсимон тугма" ёки "занжирли қадагич" десак тўғри бўлармикан, билмадим, ҳар ҳолда тугма ўрнида қандаш қўлай бўлган бу деталь ҳам ўзига га тарихга эга. Ушбу қадагич қаҳидаги эслатмалар 1851 йилга бориб тақалади. Ушанда тикув машинаси ихтирочиси Элайя Хоу автоматик тарзда узлуксиз қадаладиган занжирсимон тугмани ҳам ихтиро қилиб, патентлаб қўйганди. Аммо, бу ихтиро ўша замон либос-



лари учун фавқуллода янгилик бўлиб, одамлар унинг ишлаш механизминини, техникасини ўзлаштиролмади, қўллашга қийналишди ва натижада бу ихтиро омалашмади.

Орадан 44 йил ўтибгина бу узлуксиз қадагичга яна қайта мурожаат қилинди. Америкалик Уиткомб Жадсон ушбу детални пайабзалларга тикишга қарор қилди. Унинг яқин дўсти умуртқасидан жароҳат олиб, узок йиллар бел оғригидан азият чекиб юрарди. Айниқса, эгилиб пайабзалнинг боғичларини боғлаш унинг учун минг азоб эди. Дўстининг бу аҳволдан ташвишланган Уиткомб бир қўлда осонгина қадаладиган занжирли қадагични пайабзалга тикиш керак деган фикрга келди.

Шундай қилиб, бу турдаги қадагич дастлаб туфли ва этикларга ўрнатилди, XX асрнинг 20-йилларига келибгина у бошқа турдаги кийим қисмларига ҳам тикила бошланди.

Ҳаммамизга таниш бу буюмининг қисқача тарихи шу. Буни қарангки, ҳар кун фойдалансанг-да, унинг ўзбекча номлашини ўйлаб кўрмабмиз. "Чақмоқ тугма", "занжирсимон тугма", "занжирли қадагич". Бу менинг мукамал бўлмаган атамаларим эди. Балки унинг ўзбекча асосли номини сиз топарсиз, азиз ўқувчи?!

ЧИРОҚЛАР ФЕСТИВАЛИ

Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳридаги Чхонгечхон ариғи бўйида ҳар йили антиқа ва рангин чироқлар фестивали бўлиб ўтади. Бу фестивалда дунёнинг турли бурчақларидан йигилган турли шакл ва ранглардаги чироқлар кўзни қувватиб ёғдулар сочади. Бу гўзал ёғдулар қоронғулик маҳали Чхонгечхон ариғининг шаффоф сувда аксланиб, янада ўзгача жозива билан гўзаллик шайдоларини мафтун этади.

**Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.**



да норозилик билдирди. Кейин қизлари маҳаллага чиқиб, отаси икки ўғилни уйлантиришда ёнида албатта аёл киши бўлиши кераклигини айтиб, ёрдам сўрашди. Ахир оиладаги уч эркакнинг иссиқ-совуғидан, ош-овқатидан хабар олиб турадиган аёл керак-ку. Кейин улар билан яна гаплашдик. Агар фарзандларига меҳр бера оладиган, меҳрибон аёл топилса, турмуш қуришга розилигини билдирди. Усмонали аканинг маҳаллага кўп ёрдами теккан. Шу боис маҳалламиз раиси ва фаоллари номидан тахририятингизга келдим. Газетангизнинг ҳар бир сонини қолдирмай кузатиб борамиз. Ўз жуфтларини топаётган ҳамюртларимизни ўқиб, хурсанд бўламиз. Иложи бўлса маҳалладошимиз Усмонали акага ҳам (Тошкент шаҳри ёки вилоятидан) 55 ёшгача бўлган, оилапарвар, хушмуомала, бола-

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан), соғлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

БУЙРАГИНГИЗ СОҒЛОММИ?

Агар буйрагингиз безовта қилаётган бўлса, хафтасига икки марта иссиқ ҳаммомда яхшилаб терлашни ва дала қирқбўғини (хвош) дамланган чой ичишни одат қилинг.

Буйрақни тозалаш:

● 1 ош қошиқ зигир уруғини термосга солиб, устига бир стакан қайноқ сув қўйинг ва оғзини маҳкамлаб ёпиб кечаси билан дамбаб қўйинг. Эрталаб дамламага яна бир стакан иссиқ сув қўшиб, кун давомида уч маҳал ичсангиз фойда беради.

● 3 қошиқ қорағат барги 0,5 литр қайноқ сувда 15-20 дақиқа дамбаб қўйилади. Сўнгра барглари сиқиб олиниб, ташлаб юборилади. Дамлама деярли қайнаб чиққунча оловда тутиб турилади. Кейин унга 2 ош қошиқ музлатилган ёки бир қошиқ қуритилган қорағат меваси солиниб яна дам берилади.

● Зигир уруғи, ошқовоқнинг чақилмаган уруғи, қизилпойча (зверобой) гиёҳ ўти тенг миқдорда олиб аралаштирилади. Аралашманинг 4 ош қошиғига бир ош қошиқ мойчечак гули қўшиб, 0,5 литр қайноқ сувда дамланади. 30-40 дақиқа дам егач, сузиб олинади. Дамлама тўрт қисмга бўлиниб, кун давомида овқатланишдан бир соат олдин ичилади.

Буйрагингиз оғривса...

● Куритилиб тўйилган олма қоқисидан 1 ош қошиқ қўшиб тайёрланган қайноқ сувдан кунига 3 маҳал бир стакандан ичинг.

● Эрталаб оч қоринга 100 грамм турп шарбатидан истеъмол қилинг.

● Янги узилган петрушканинг барглари, банди ва илдиизидан тайёрланган шарбат ичишга одатланинг. Бироқ петрушка шарбатининг ўзини ичиш мумкин эмас, у асабга таъсир қилиши мумкин. Ушбу шарбатни 30-50 мл дан ортиқ ичиб бўлмайди. Селдер, сабзи ёки салат шарбатига қўшиб ичган маъқул.

Ушбу тавсияларни мутахассис маслаҳатига амал қилган ҳолда бажаришингизни сўраймиз.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Ўрганганинг ўзингга

ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

● Ерилган тухумни қайнатаётганингизда оқи чиқиб кетмаслиги учун уни шўр сувда қайнатган маъқул.

● Янги жинси кийимларини биринчи марта ювишдан олдин 10 соат давомида шўр сувга ивितिб қўйинг. Шунда унинг асл ранги йўқолмайди.

● Гиламдаги шам изини кетказиш учун нам сочқини доғ устига қўйинг, сўнгра қизиб турган дазмолни устидан босинг.

● Тилла буюмларингиз жилонаниб туришини истасангиз, уларни шампундан ювиб, сўнг 1 стакан сувга 6 томчи нашатир спирти қўшилган аралашмада яхшилаб чайқанг, натижасини кўриб албатта қувонасиз.

● Сочингизни ювиш тартибини биласизми? Соғлом сочларни 3 кунда бир марта, ўта ёғли сочларни ҳар кун, қуруқ сочларни эса 5-6 кунда бир марта ювиш тавсия этилади.

● Дазмолга дистилланган сув солсангиз, уни янада узок ва я х ш и сақланиши таъминлаган бўласиз. Дистилланган сувни тайёрлаш учун музлатгич музини эритинг ва уни дазмол сувдонига солинг.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади



КАШАНДАЛИК КУШАНДА БЎЛМАСИН!

Бугунги кунда дунё микёсини қўятур-райлик, мамлакатимизда ҳам тамаки чекадиганлар сони оз эмас. Уларнинг сафига кундан-кунга ошаётгани ҳам ҳақиқат. Кашандалликка ружу қўйганлар орасида ўсмирлар ва аёлларнинг борлиги, айниқса, ачинарлидир.

“Хуқуқ оламида” газетасида келтирилган маълумотларга эътибор берайлик: унда ёзилишича, одам учун никотиннинг ўлдирадиган дозаси 50-75 мг (1 кг. гавда массасига 1гр). Тамаки тутунидан инсон организмга тушадиган никотин микдори тамаки микдорининг, тахминан, 1/25 қисмини ташкил этади.

Кунига бир қўти сигарет чекадиган одам бир йилда ўпкаси орқали 800 гр. га яқин тамаки қатрони ўтказди. Тамаки тутуни таркибида 500га яқин кимёвий модда бор, шундан тахминан 10 фоизини никотин ташкил этади. Тамаки тутуни таркибидаги 30дан ортиқ модда одам организмга ҳалокатли таъсир ўтказди. Никотин кучли таъсир этувчи захар бўлиб, 0,3 фоиз экстракти қишлоқ хўжалигида гўза ва бошқа ўсимликлар зараркундаларини кириш учун қўлланилади. Никотиннинг бир томчи оғни ўлдиради. У қон томиларини торайтиради, атеросклероз, юракнинг ишемика касаллиги, гастритлар, ўн икки бармоқли ичак яралари, органлар шаклини ўзгартирувчи эндриттерт ривожига олиб келади. Ҳар 100 гр. тамаки ёнганда 5-7 гр. тамаки қатрони ҳосил бўлади. Бир қўти сигарет чеккан одам ўз организмга 4000 мг. дан ортиқ ис гази киритади, натижада, қондаги карбоксиге-могдобин концентрасияси 7-10% га ортади. Чекилган ҳар дона сигарет, бир чеким нос чекувчи ҳаётининг 15 минутини қўкка соуради.

Статистик маълумотларга қараганда, кўпчилик кашандаларнинг умри чек-

майдиган кишиларниқидан 5-7 йил қисқа бўлади.

Чекиш фақат умрни қисқартириб-



на қолмай, балки одамни турли-туман касалликларга чалинишига олиб келади. Уларнинг касалликлардан тузалиши, турли жароҳлик операцияларидан сўнг соғайиб кетиши қийин кечади, бошқаларниқига қараганда узоқ давом этади. Ўпка ракиннинг 90%и сигаретдан келиб чиқмоқда (жаҳон статистик маълумотидан). Чекувчиларда чекмайдиганларга қараганда ўпка раки билан касалланиш эҳтимоли 20-30 марта ортиқдир. Кейинги 10 йил ичида ўпка раки билан касалланиш эҳтимоли 50%га, аёлларда 26%га кўпайган (2005 йил маълумоти, ҳозирда бу кўрсаткич янада ошган бўлиши мумкин), асосий сабабчиси эса сигарет. Кекирдак раки билан оргинларнинг 99 фоизи чекувчилардир. Чекамган ҳолда, чекилган муҳитда турувчиларнинг ракка чалиниш эҳтимоли 40 фоизни ташкил этмоқда.

Сигаретнинг сабаби билан юзага

Огоҳлик

келган ўлим ҳодисалари барча турдаги транспорт ҳалокатларидан содир бўладиган ҳодисалардан 7 марта кўпни ташкил этмоқда. Узи чекмаган ҳолда чекилган муҳитда узлуксиз 4 соат турган киши 10 дона сигарет чекканчалик захарланади.

АҚШда ҳар йили чекишдан келиб чиққан касалликлардан 320 мингдан кўп киши ҳалок бўлмоқда. АҚШ сугурта компанияси кашандалар орасида ўлим чекмайдиганларга қараганда 2 баробар кўп эканлигини аниқлади. Ҳиндистонда тамакини тил тагига ташлаш одат бўлганлигидан ҳалқум, қизилўнғач, жағ, тил илдиизи, ошқозон раки кўп учрайди. Кашандаларда инфаркт микдори чекмайдиганларга қараганда уч марта кўп учрайди. Меъда яраси билан огриганлар орасида чекадиганлар 98 фоизни ташкил этади. Меъда яраси касаллиги кашандаларда чекмайдиганларга қараганда 12 баробар кўп учрайди. Америкалик олим Дунк Иллиной университетда ўқийдиган 3567 нафар талабадан сўраб чиқиб, унинг натижаларини баён этишганда, чекадиганлар дарсни яхши ўзлаштирадиган талабалар орасида 6,7 фоизни,

ўзлаштириши ўртача бўлганлар орасида 45,2 фоизни, ўзлаштириши ниҳоятда пастларнинг 59,1 фоизини ташкил этиши маълум бўлган. Бу чекиш хотирага жиддий таъсир кўрсатишини исботлайди.

Ёки, энг даҳшатлиси, ҳомилдор аёлнинг қандай қилиб сигарет чекишига тушуниш қийин. Ахир, у ўз боласини ажал дарвозасидан шундоқ ичкарига киритиб юбормайтими?!

Мутахассисларнинг фикрича, чекишни ташлаш учун унинг дозасини кунмакун камайтириш эмас, ирода кучини ишга солиб ундан тамоман воз кечиш қутулган мақсадга олиб борар экан. Бу омонат умримиз фақат ўзимиз учун эмаслигини ёддан чиқармайлик!

Зилола ХУДОЙБЕРДИЕВА,
ЎЗДЖТУ халқаро журналистика
факультети талабаси.



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

ЁШЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРИШАДИ

БААда бўлиб ўтаётган футбол бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати қизгин давом этмоқда. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сурияликларни пенальтилар сериясида мағлуб этиб, ярим финалга чиқди ва жаҳон чемпионати йўлланмасини ҳам қўлга киритди.

Учрашувнинг асосий вақтида 2:2 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилди. Пенальтилар сериясида эса вакилларимиз 3:0 ҳисобида галаба қозонишди. Сурияликлар учта имкониятдан ҳам фойдалана оlishмади. Бу вазиятда дарвозабонимиз Асилбек Омоновнинг маҳоратини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Энди ярим финалда ёшларимиз Жанубий Корея ёшлари билан учрашади. Учрашув бугун бўлиб ўтади.

Эътиборли жиҳати, футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам жаҳон чемпионати йўлланмаси учун саралаш баҳсида Эрон миллий терма жамоаси билан бугун учрашув ўтказди. Бу ўйин термаимиз учун жуда аҳамиятлидир.

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Словениянинг Марибор шаҳрида 8-18 ёшли шахматчилар ўртасида давом этаётган жаҳон чемпионатида юзга яқин мамлакатдан 1,5 минг нафардан зиёд шахматчи дона сурмоқда.

Сахкиз ёшгача бўлган болалар мусобақасида Нодирбек Абдусатторов ишончли ўйин кўрсатмоқда. Ўз тенгурлари ўртасида ФИДЕ рейтингда биринчи ўринни эгаллаб турган умидли спортчимиз дастлабки тўрт партиядо украиналик Максим Горошков, финляндиялик Патрик Альто, америкалик Эрик Ванг ва ҳиндистонлик Адитья Вермани мот қилиб, пешқадамлар сафида бормоқда.

Жаҳон чемпионатининг тўртинчи турида яна олти нафар шахматчимиз рақибларини мағлубиятга учратди. Қора донларда ўйнаган Юлия Хегай ва Баҳора Абдусаторова америкалик шахматчилар – Ирис Жоу ва Энни Жаони, ФИДЕ устаси Темур Игонин мисрлик Адхам Фавзийни мот қилди. Оқ донларда ўйнаган шахматчиларимиз – мамлакатимизнинг кўпқара чемпионни Сарвиноз Курбонбоева сербиялик Богдана Нонковичдан, Асал Салимова Янги Зеландия вакиласи Оливия Донгдан, Алихон Гусейнов эса словениялик Нино Сморгдан устун келди.

ФИДЕ устаси Олег Артеменко ва польшалик Александр Кажмарек, Шаварш Бадалян ва киргизистонлик Тоҳир Талайбеков ўртасидаги партиядо давраг натижа қайд этилди.

Интернет манбалари асосида
Илхом ЖУМАНОВ тайёрлади.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таълиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳашира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳашира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).
Тиббий массаж — 2 ой. Нўқтали — 1 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Торт олий курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
Аёллар сартарошиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва махияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Гўзаллик саломига тайёрлаш — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
Тикувчилик — 2-3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, Рус тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул, сарпо қўти ва саватлар ясаш — 2 ой.
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.
Барчаси амалиёт билан
Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МУЎЛЖАЛ: Юнусобод дехкон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЛЖАЛ:

Куйлик киним бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.
Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 15:00
Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Шаҳноза РОФИЕВА
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ
Мусаҳҳиллар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1128. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 6207. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5